

**ЎҚУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ***Собирова Дилфуза Азимджоновна*

**Аннотация:** Ушбу тезисда ўқувчиларнинг ижодий фикрлашлари учун зарур бўлувчи айрим кўрсаткичлар математика фани мисолида очиклаб берилган.

**Калит сўзлар:** Ижодий фикрлаш, креатив фикрлаш, таълим-тарбия, математика.

Замонавий илмий-техникавий билимга, тушунчага эга ўқувчиларни тарбиялаш, сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишнинг илк сабоқларини бериш, болаларнинг дунёқарашини тўғри ривожлантириш масаласи мактабгача таълим муассасалари ҳамда мактаблар зиммасига юклатилган.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор ҳамда ғамхўрлик билан ёндашилади. Шу мақсадда юртимизда замонавий таълим беришнинг стратегик йўналишлари пухта ишлаб чиқилган<sup>1</sup>, ўқувчиларга шахсий режаларини бекаму-кўст амалга ошириш, ўз қобилиятини, илмий-ижодий имкониятларини тўла намоён этиш учун барча шароитлар яратиб қўйилган. Ёшларимиз ҳақли равишда ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Дунё миқёсида ўқувчиларни ўқитиш сифатига нисбатан тенг шароитлар яратиш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш долзарб масала қилиб қўйилмоқда. Ҳозирги кунда ўқувчиларни жамоавий ва яқка тартибда изланишга, ўқиб-ўрганишга, ижодий қобилиятини ўстиришга қаратиш, таълим соҳасида янгиликлар яратиш борасида бир нечта тадқиқотчи-олимларимиз илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувчиларни ностандарт масалалар орқали ижодий ва креатив қобилиятларини ривожлантиришга методик тайёргарлигини такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандарти, мавзуга оид педагогик, психологик ва методик адабиётларни ўрганишга асосланган назарий ва тарихий таҳлиллар, тажрибалар, кузатишлар, суҳбатлар каби педагогик методлар орқали ўқувчиларда ижодий ҳамда креатив фикрлаш қобилиятларини ошириш мумкин. Ўқув қўлланмалар ва дарсликларни дидактик таҳлил қилиш, ўрганиш, қўллаш ҳамда олиб борилаётган илмий изланишларнинг натижалари орқали ҳам фикрлаш қобилиятларини ошириш мумкин. Ўқувчиларнинг ностандарт масалалар орқали ижодий фикрлаш қобилиятларини такомиллаштириш жараёнида педагогик кузатув, математик-статистик методлардан ҳам фойдаланилади.

Ижодий фикрлаш қобилиятни одатда, аввалдан маълум бўлмаган қандайдир янгилик яратиш - перцептив образлар, билимлар, мақсад ва фикрлар ҳаракат омиллари, билиш мотивацияси деб таърифлашади.<sup>2</sup>

Нуқтаи назарлар ва фикрларнинг турличалигидан келиб чиқиб, биз, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш тушунчасини мактабда математика фанини ўқитиш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар асосида кўриб чиқамиз.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони  
<https://lex.uz/ru/docs/6600413>

2 [uz.wikipedia.org](http://uz.wikipedia.org)

Психология ижодий фикрлаш қобилиятини субъектнинг фаол ҳаракати сифатида қарайди, ундовчи мотивларини, мақсадини, хусусийлик аҳамиятига эга бўлишлигини, мантиқий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди, фикрлаш операцияларини улар асосида ётувчи мантиқий принциплар асосида субъект тушунчаси нуқтаи-назаридан тадқиқ қилади. Бизнингча, ижодий фикрлаш қобилияти моҳияти мантиқ қонуниятларидан фойдаланиб, тушунча, мулоҳаза ва хулосалар билан амаллар бажаришдан иборат бўлган тафаккур тури сифатида таърифланади. Ижоднинг шарти хаётий тажриба, зарурий кўникма ва малакалар йигиндисининг мавжудлигидир.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилияти-кечадиган жараён орқали янги билим ва янги ечим усулларини долзарблаштирадиган янги ёки масаладаги ўзига хос номаълум вазиятларни аниқлаш фаолиятidir. Ижодийлик усулларини қўллашда ўқувчилар ижодий қобилиятнинг битта асосий компонентида фойдаланиш укуви муҳим аҳамиятга эга.

Ижодий фикрлаш қобилиятнинг ривожланишига фақатгина ижодий қобилиятни ўзлаштириш билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун ўқув фани мазмунига мос муваффақиятли ижодий изланиш ва ундан самарали фойдаланиш, ўқув ҳамда кўникмаларини киритиш лозим бўлади. Ижодий фикрлаш қобилияти, ижодий фаолият туфайли ривожланади ва шу фаолият орқали намоён бўлади. Яъни, фаолиятли ёндашув, шахсий фаолиятни бутунча ишга татбиқ этишда муҳим саналади. Ҳар хил тоифадаги ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириш, ижодий қобилиятини тўғри ривожлантиришга, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга таъсир этадиган усуллар борасида ҳам турлича нуқтаи назарлар мавжуд. Педагогика ва ўқитувчининг педагогик фаолиятида ўқув-тарбиявий ишлар жараёнига ижодий масалаларни ечиш усулларининг киритилиши долзарблик касб этади. Ўқув фаолиятида ижодий масалаларни ечишга эвристик ёндашишни татбиқ этиш ва ўқувчиларни қабул қилиш имкониятига қараб эвристикага ўргатишга аҳамият қаратилади. Бизнингча, ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини самарали ривожлантириш учун эвристик усул алгоритмик усул билан қўшиб олиб борилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун ностандарт масалаларнинг ўрни бекиёс. Л.М.Фридман мактаб математикасида масалаларни турларга бўлар экан, стандарт ва ностандарт масалалар мавжудлигини кўрсатиб ўтади. Ностандарт масалалар ҳақида ёзаркан, “математика курсларида уларни ечиш учун умумий қоида ва ҳолатларнинг аниқ дастури бўлмайди”, дейди. Ностандарт масалаларнинг мантиқий, етишмаётган параметрларни топишга доир, ривожлантирувчи, топқирликка доир, қизиқарли, арифметик, сонли бошқотирмалар, геометрик хусусиятга эга, эртак масала каби турлари мавжуд.

Масалаларни ечишга ўргатишда бўлажак ўқитувчи олдида икки хил вазифа туради. Бир томондан, масала шартларида акс этган билимлар тизимини тиклаш ва сақлаб қолиш зарур. Иккинчи томондан эса ўқувчилар доимий равишда нисбатан масала талабларига боғлиқ бўлган янги тизимни қуришларига эришиш керак. Ностандарт масалаларнинг хусусияти уларнинг ечим йўли ҳар доимгидек маълум алгоритмдан иборат бўлмаслигидадир. Бу изланиш ўқувчилардан бир хил масалалар устида ишлашдан кўра кўпроқ масалалар ечишнинг умумий малакаларини шакллантиришга йўналтирилган фаол ҳаракатни амалга оширишларини талаб қилади.

Ностандарт масалаларни ечиш ўқувчиларга таққослаш, кузатишга доир тажрибаларни тўплашга, мураккаб бўлмаган математик қонуниятларни аниқлашга, исбот талаб этадиган фаразларни ўртага ташлашга имкон беради. Шу муносабат билан ўқувчиларда дедуктив мулоҳаза юритишга эҳтиёж туғилиши учун шароит яратилади. Ностандарт масала билан

ишлаш методикаси ўқувчиларга масала моҳиятини англаш босқичида қийинчилик туғдирадиган ҳолатларни топиб, бажариш бўйича тавсияларни, ечим режасини тузишни, тузилган режани амалга ошириш босқичини, ҳаракатлар ва натижасини текшириб кўришни ўз ичига олади. Ностандарт масалаларни ечиш учун, бир томондан, ўқувчиларда масалаларни ечишнинг умумий малакаларини шакллантириш, бошқа томондан эса уларни махсус усуллар билан таништириш зарур.

Ностандарт масалаларни ечишнинг моделлаштириш, мулоҳаза юритиш, тадқиқот, танлаш ва бошқа усуллари мавжуд.

1. Ностандарт масалаларни ечиш-ўқитиш жараёнида ўргатувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, назорат қилувчи каби дидактик тамоилларни бажаради.

2. Ўқитишда ностандарт масалалардан фойдаланиш ижодий тафаккурга етакловчи асосий фикрлаш укувини ривожлантиришга маълум маънода ёрдам беради.

3. Ностандарт масала билан ишлаш методикаси ўқувчиларга масала моҳиятини англаш босқичида қийинчилик туғдирадиган ҳолатларни топиб, улар билан ишлаш бўйича тавсияларни, ечим режасини тузишни, тузилган режани амалга ошириш босқичини, ҳаракатлар ва натижани текшириб кўришни ўз ичига олади.

#### *Тавсиялар.*

1. Мактаб математика курсини ўрганишда аниқ мақсадга йўналганлик (ўқитувчида машғулот, мавзу, бўлим мақсадини кўйиш, мақсадни табақалаштириш, аниқлаштириш ва интеграциялаш, дарс мақсадларини ажратиш, ўқувчилар фаолиятини такомиллаштиришга ижодий ёндашиш) бўлиши

2. Мазмунни ва ўқитиш мақсадларини мувофиқлаштириш, таълим мазмунини моделлаштириш, ўқув жараёнини мақсадларига ва мазмунига мос ўқитиш методлари мажмуини танлаш укувларини, ўқув топшириқларини танлаш.

3. Ўқув фанини ўрганишда машғулот лойиҳасини ишлаб чиқишга қизиқиш ва мотивация асосида юзага келадиган мотивацияли-аҳамиятли йўналганлик, шунингдек, ишлаб чиқилган машғулот лойиҳаларини амалиётга жорий этиш имкониятини бериш керак бўлади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/4749364>
3. Воҳидов Ў. ЕСТS: асосий тушунчалар, қоидалар ва тамойиллар. – Тошкент, 2020
4. Мардонов Ш.Қ., Жабборова О.М. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион кластер усули. Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман, ТВЧДПИ, 2021. Б. 142-145